



++

**O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi  
Farmatsevtika tarmog‘ini rivojlantirish agentligi direktorining  
BUYRUG‘I**

2022-yil «28 » mai

126 -sonli

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги  
“Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни  
бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада  
жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари  
тўғрисида”ги ПҚ-240-сон қарори ижроси тўғрисида**

Агентликнинг коррупцияга қарши қурашиб борасидаги фаолиятини такомиллаштириш доирасида юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг изчил тизимини жорий этиш ҳамда Янги Ўзбекистон шароитида коррупциявий омилларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш жараёнида тегишли соҳаларни ракамлаштириш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга кўйиш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 12 майдаги 12/1-1112-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижро учун қабул қилинсин.

2. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш бўйича белгиланган назорат режаси ижросини таъминлаш учун Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг вазифалар тақсимоти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Агентликнинг Комплаенс, молиявий назорат ва ички аудит хизмати томонидан коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича йигилган таклиф, маълумотлар ҳамда амалга оширилган ишлар ва кўрилган чора-тадбирлар юзасидан ўрнатилган тартибда

расмийлаштирилган ҳисоботларни белгиланган муддатларда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг “E-Anticor.uz” электрон платформасига киритиб борилсин.

4. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Агентлик ва “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК нинг таркибий бошқарма, бўлим ва бўлинмалари раҳбарларини жалб қилган ҳолда, Комплаенс, молиявий назорат ва ички аудит хизматлари томонидан, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган тизимдаги ташкилот ва муассасаларда коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш учун уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда мазкур йўналиш ижросига масъуллар томонидан Агентликнинг 2021 йил 26 ноябридаги

126-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2-сонли Илова: “Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги марказий аппарати ва худудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубий қўлланма”сига мувофиқ ташкил этилсин.

5. Агентликнинг таркибий бошқарма, бўлим ва бўлинмалари ҳамда бўйсунувидаги ташкилотлар раҳбарлари ўзларига юкланган функцияларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун шахсан жавобгар эканлиги юзасидан огоҳлантирилсин.

6. Мазкур иловада белгиланган вазифалар ижроси барча маъсул ижрочилар томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши учун маъсулдир.

7. Ушбу буйрук ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Директор



С.Карiev